

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТ ҚАРОРИ**

30.09.2022 й.

№ 325/9.2

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси томонидан ёш мутахассисларни
танлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2022 йил 4 август куни кенгайтирилган тарзда ўtkazilgan видеоселектор йиғилишининг 61-сонли баёининг 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 23 сентябрдаги 1-02-21-3106-сонли ёшлар ишлари агентлигининг хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ёш мутахассисларни танлаш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан Ёш мутахассисларни танлаш дастури лойиҳасида танлов ўтказиш тартиби, стажировкани ташкил этиш қоидалари, стажировкани ўташ тартиби, давлат хизматига ишга қабул қилиш тартиби белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2022 йил 4 август куни кенгайтирилган тарзда ўtkazilgan видеоселектор йиғилишининг 61-сонли баёининг 11-банди ижросини таъминлаш юзасидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом”га асосан

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ёш мутахассисларни танлаш дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан Ёш мутахассисларни танлаш дастурига мувофиқ тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларни сұхбатдан ўтказиш бўйича маҳсус комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. ОАКни томонидан олтинчи даражали давлат хизматчилари (мутахассис) вакант штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган миқдорида ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ёш мутахассисларни танлаш дастури бўйича амалга оширилган ишлар ва қабул қилинганлар фаолияти юзасидан ОАК Раёсатига мунтазам равинада ахборот киритиб борилсин.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ёш мутахассисларни танлаш ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда – ОАК) томонидан Ёш мутахассисларни танлаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ) битирувчи курсида ўқиётган қобилиятли ёшларни тегишлилигига кўра стажировкасини ташкил этиш ва кейинчалик захирага киритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутади.

Дастур мақсади – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси бўйича ташкилот фаолиятига энг муносаб кадрларни танлаш ва истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда ОТМ битирувчиларини фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

Дастур вазифалари:

олий таълим муассасалари ҳамда давлат хизмати ўргасида интеграцияни йўлга қўйиш;

энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни тегишли йўналишларда селекция килиш;

номзодларни ОАКда стажировка ўташ учун қабул қилиш ҳамда “устоз-шогирд анъанаси” асосида тажрибали устоз-менторларга бириктириш;

стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчиларни танлов (сухбат) асосида марказий аппаратга ишга қабул қилиш.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Дастурда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Олий таълим муассасаси – бакалавриат таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминловчи давлат таълим муассасаси;

битирувчи – ОТМ кундузги шаклининг бакалавриат босқичи битирув курс талабалари;

ОАКда стажировка ўташ – ёш мутахассисларни ОАК марказий аппаратида хизматга тайёрлаш, касбий фаолият маъсулиятини ҳис этиш ва тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганиш орқали ОТМда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш жараёни.

малака талаблари – маълум бир давлат фуқаролик лавозимига стажёр бўлиш учун номзодларга нисбатан ОАК томонидан белгиланадиган тегишли маълумот, шунингдек билим ва касбий компетенциясига қўйилган талаблар;

стажировка раҳбари – ОАКдаги стажировка жараёнини мувофиқлаштириш масъулияти юкланган раҳбар ходими.

устоз-ментор – стажировка ўтаётган битиувчиларга давлат хизматидаги фаолиятида “устоз-шогирд” анъанаси асосида зарур ташкилий кўрсатмалар берувчи, уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таниширувчи, амалий кўникма ва малакаларни ўргатувчи, стажировка даврида талаба эгаллаган қўникмаларни баҳолаш юкланган тажрибали давлат фуқаролик хизматчиси.

шахсий ривожланиш режаси – битиувчининг давлат органларида стажировкаси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим ва қўникмалар муддатлар кесимида акс эттириладиган ҳужжат.

кадрлар захираси – давлат органидаги лавозимларни салоҳиятли, ёш кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган, юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

2-боб. Танлов ўтказиш тартиби

2. “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” а-иловадаги дастурни амалга ошириш схемаси бўйича тегишли босқичларда ва белгиланган муддатларда амалга оширилади.

3. ОАКнинг расмий сахифаларида “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича стажировка танлови ҳақида эълон берилади ва таргибот ташвиқот ишлари амалга оширилади.

4. Номзодлардан стажировка танловида иштирок этиш учун аризалар онлайн шаклда (*телеграм бот орқали*) қабул қилинади.

5. Техник талабларга мувофиқ ариза эгаларига саралаш босқичида иштирок этишга йўлланма юборилади.

6. Номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, ахборот технологиялари бўйича билим даражасини аниқлаш учун тегишли давлат органлари томонидан ташкил этиладиган маҳсус тест синовидан ўтадилар.

7. Тест босқичи давлат органи билан ҳамкорлик қилаётган ОТМларнинг маҳсус компьютер хоналарида ўтказилади. Танлов жараёнлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

8. Тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар (*71 фоиздан юқори*) ОАКда тузилган маҳсус комиссия томонидан сухбатдан ўтказилади.

9. Номзодлар кўрсаткичлари б-иловага мувофиқ жадвал бўйича баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага қабул қилиш ҳақида ОАК бўйича буйруқ чиқарилади.

10. Стажировка жараёнини намунали якунлаган ёш мутахассислар стажировка ўтаган ОАК кадрлар захирасига киритилади.

3-боб. ОАКда стажировкани ташкил этиш қоидалари

11. Стажировка танловлардан муваффақиятли ўтган битиувчи билан в-иловага мувофиқ тузиладиган стажировка шартномаси асосида ташкил қилинади.

12. Мазур шартномада стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартнома предмети, тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, қабул килувчи ташкилотнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда стажировкани ўташ тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш асослари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилади.

13. Стажировка уч ойдан кам бўлмаган ҳамда бир йилдан қўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

14. **ОАК** стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-хукукий чораларини кўради. Хусусан:

синов жараёнларини адолатли ва шаффоф тарзда ташкил этади;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўнижмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлайди;

битиувчиларни стажировка даврида ўз ходими сифатида фаолият олиб бориши учун ташкилот раҳбарининг буйргуни чиқаради;

стажировка дастурига мувофиқ битиувчиларга жорий қилинадиган шарт-шароитлар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари бошқалар)ни яратади;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа хужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

ташкилотнинг ички меҳнат интизомини бузган стажёр билан тузилган стажировка шартномасини белгиланган тартибда бекор қиласди;

битиувчи стажировкани ўташ даврида давлат органида баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик хужжатлари асосида кўриб чиқади;

16. Стажировка раҳбари стажировка ўтаётган барча битиувчиларга раҳбарлик қиласди. Унинг вазифалари:

давлат фуқаролик хизмати ташкилотнинг таркибий тузилмалари ва худудий бўлимлари бўйича талабаларни тақсимлайди, объектнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таниширади;

стажёр билан стажировка ўташ шартномасини имзолайди;

стажёрлар билан ташкилот раҳбарлари ва етакчи ходимларнинг учрашувини ташкил этади.

17. Устоз-ментор сифатида давлат хизматида камида уч йиллик тажрибага эга, меҳнат жамоасида обрў-эътиборли давлат хизматчиси “устоз-шогирд” анъанаси асосида кўпи билан икки нафар битиувчига бириктирилиши мумкин. Унинг вазифалари:

стажёрларга иш фаолияти ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш, шунингдек қабул қилувчи ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатади;

стажировка дастурига тааллукли материаллардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўргатади;

стажёр иш кунининг белгиланган давомийлигига ва стажернинг шахсий иш режасига риоя этилишини назорат килади;

18. Стажёр ОАКда стажировка ўташда:

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

стажировка шартномаси билан юклатилган хукуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш;

стажёрнинг шахсий иш-режасида назарда тутилган барча топширик-ларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

стажировка ўташ тўгрисидаги ҳисоботни тақдим қилиши;

фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириши;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи хужжатларга риоя қилиши шарт.

4-боб. ОАКда стажировкани ўташ тартиби

18. Стажировка уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

19. Стажировка тайёрлов босқичининг биринчи кунида давлат фуқаролик хизматидаги стажировка раҳбари томонидан йигилиш ўtkазилади. Йигилишда талабалар стажировкани ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллукли кўрсатмалар, стажировкани ўташ ва г-иловадаги ҳисбот шаклини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

20. Стажировка ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда стажировка раҳбари ва бириктирилган устоз-ментор билан биргаликда стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича д-иловага мувофиқ, шахсий иш режа жадвалини тузадилар.

20. Стажировканинг асосий босқичида битирувчи бевосита стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича Шахсий иш режада кўрсатиб ўтилган ишларни бажаради.

21. Стажировка якунлари бўйича ҳисботни топшириш сўнгги босқич ҳисобланади. Белгиланган тартибдаги ҳисбот-тақдимот стажировка раҳбари, устоз-ментор ва Ёшлар ишлари агентлиги вакили томонидан баҳоланиб тасдикланади.

22. Стажировкани муваффакиятли якунлаган битирувчилар давлат органлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан с-илова асосида

тасдикланган сертификат билан тақдирланади. Мазкур сертификат асосида битиувчиларни давлат хизматига ишга қабул қилишда имтиёз назарда тутилади.

6-боб. Давлат хизматига ишга қабул қилиш

23. ОАКри томонидан олтинчи даражали давлат хизматчилари (мутахассис) вакант штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган микдорида ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхатини шакллантиради.

24. Рўйхатдаги лавозимлар учун битиувчиларга алоҳида малака талаблари ишлаб чиқилади.

25. Дастур асосида стажировкани муваффақиятли тамомлаган, сертификатга эга битиувчилар маҳсус комиссия томонидан ўтказиладиган сухбат асосида ишга қабул қилинади.

26. Дастур бўйича стажировка ўтаётган битиувчиларга (*бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан*) бир баробаридан уч баробаригача микдорда стипендиялар берилади.

7-боб. Якуний қоида

27. Дастур бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
ОАК Раёсати қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Олий аттестация комиссияси томонидан Ёш мутахассисларни танлаш
дастурига мувофиқ тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар
сұхбатдан ўтказиш бўйича маҳсус комиссия таркиби**

А.Юсупов	- ОАК раиси, маҳсус комиссия раҳбари
А.Шермуҳамедов	- ОАК бош илмий котиби
З.Таджиходжаев	- ОАК раисининг ракамлаштириш бўйича ўринбосари (ж/а)
Б.Шамуратов	- ОАК Ахборот-таҳлил бўлими бошлиги
М.Масайлдова	- ОАК юрисконсульты

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
ОАК Раёсати қарорига
3-илова

ОАКри томонидан олтинчи даражали давлат хизматчилари (мутахассис) вакант штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган микдорида ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхати

1. ОАК Ахборот-таҳлил бўлими бош мутахасиси (мутахассис).
2. ОАК Мониторинг бўлими бош мутахасиси (мутахассис)
3. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази ДУК бош мутахасиси (мутахассис)

**Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	ОАК	ОАК аппарати тегишли йўналишлар бўйича лавозимлар штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган миқдорда стажёрларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар (моддий техника)ни яратиш	Сентябрь
2-босқич	ОАК	Дастур доирасида интеграция қиласидаган Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	Сентябрь
3-босқич	Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёrlаш институти	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили ва АКТ бўйича тест саволлар базасини яратиш	Сентябрь ойининг 2-ярми
4-босқич	ОАК, Ёшлар ишлари агентлиги	Расмий веб-сайтлар, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича танлов эълон қилиш ҳамда ОТМларда таргиботини ташкил қилиш	Октябрь ойининг 1-ярми
5-босқич	ОАК	“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича эълон қилинган танлов бўйича келиб тушган хужжатларни қабул қилиш	Октябрь ойининг 2-ярми

6-босқич	ОАК, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим муассасалари	Номзодларнинг билим даражасини аниқлаш учун тест синовидан ўтказиш	Ноябрь ойининг 1-ярми
7-босқич	ОАК, Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	Тест босқичидан муваффакиятли (71 фоиздан юқори) ўтган битириувчиларни ОАКда ташкил этилган махсус комиссия томонидан сұхбатдан ўтказиш	Ноябрь ойининг 2-ярми
8-босқич	ОАК, олий таълим муассасалари	Сұхбатдан муваффакиятли ўтган номзодларни стажировкага жалб этиш, устоз-ментор бириктириш, Стажировка ўташ шартномаси ва Шахсий ривожланиш режасини имзолаш	Декабрь
9-босқич	ОАК, олий таълим муассасалари	Устоз-ментор томонидан стажёр фаолиятини кузатиб бориши асосида унинг билими, күнікмалари ва амалий тажрибаси ошишига құмаклашиш	Декабрь-июль
10-босқич	Давлат органлари, Ёшлар ишлари агентлиги	Стажировка фаолияти яқунлари бүйича стажёр тақдимотини баҳолаш ва муваффакиятли тамомлаган стажёрларға сертификат беріш	Июль
11-босқич	ОАК, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	Сертификатта эга битириувчилар орасидан танлов (сұхбат) асосида ишга қабул қилиш	Тегишли муддат
12-босқич	ОАК, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги	Стажировка яқунлари ва давлат хизматига қабул натижалари бүйича “Ёш мутахассисларни танлаш дастури”ни такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифларни шакллантириш	Август

**Ёш мутахассисларни танлаш дастури бўйича номзодлар кўрсаткичларини баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

№	ФИШ	Олий таълим муассасаси	Мутахассислик	Курси	Рейтинг баҳоси 20 балл	Тест 40	Суҳбат 30 балл	Тил сертификатига эгалик 10 балл	ЖАМИ
1.									
2.									

Изоҳ:

- “Фанларни баҳолаш” сўнгги семестр натижаларига кўра фанлардан олинган баҳолари 20 баллдан фоиз олиш билан хисобланади.
(масалан, ўртача рейтинг кўрсаткичи **87 бўлса. 20 x 0.87 = 17.4**)

**Стажировка ўташ тўғрисида
ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

2022 йил “ ”

(Давлат органи номи) номидан (вазир/хоким/бошлиқ директор) (кейинги ўринларда “Давлат органи” деб аталади) бир томондан ва фуқаро _____ (паспорт серияси ва раками: АА _____, _____ томонидан _____ йилда берилган) (кейинги ўринларда “Стажёр” деб аталади) иккинчи томондан, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида ёш мутахассиснинг стажировка ўташига доир мазкур шартномани тушиб имзоладилар.

1. “Стажёр” (Давлат органи номи)да

вазифаларни бажаради.

2. Тарафлар ўртасидаги муносабатларга (вазирлик, идора, ташкилот) раҳбарининг 20 йил “ ”-сон буйруги талаблари татбиқ этилади.

3. “Стажёр”нинг мажбуриятлари:

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиш;
стажировкани ташкил этиш ва ундан ўтиш билан bogлиқ тадбирларда иштирок этиш;

стажировкадан ўтиш дастурида назарда тутилган барча тадбирларни стажировка учун белгиланган муддат ичida, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;

стажировка ўташ тўғрисидаги хисоботни тақдим қилиш;

фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириш;

ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлар фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиш;

мазкур шартноманинг 1-бандида белгиланган вазифаларни бажарганлиги тўғрисида ҳар ой якуни бўйича далолатномани тақдим этиш.

“Давлат органи”нинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган бошқа топшириқларини ҳам бажаради.

4. “Давлат органи”нинг мажбуриятлари:

мазкур шартнома шартларига, шунингдек, фуқаролик қонунчилик нормалари ва бошқа меъерий ҳужжатларга риоя қилиш;

стажёровка жараёнларини адолатли ва шаффоф тарзда ташкил этиш;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш қўнимасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлаш;

стажёрлар учун иш жойи ва стажировка даврида фойдаланиш учун зарурӣ материаллар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари ва бошқалар) ажратилишини ташкил этиш;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

стажёрнинг фаолияти натижадорлигига асосан унга ойлик маош тўлаш;

ҳар ой якуни бўйича “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномани ўрганиш, “Стажёр” томонидан бажарилган ишлар тасдиқланганда стажёрга ушбу шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш.

5. Томонларнинг келишувига асосан “Стажёр” томонидан бажарилган иш ҳажми учун ҳар ой _____ (_____) сўм тўлов тўланади.

Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ушбу суммадан ушлаб қолинади ва солик органларига ўтказилади.

6. “Стажёр” томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар “Давлат органи”га бажарилган ишлар ҳисоботи (далолатномаси) тақдим этилади.

“Давлат органи”га ушбу ишлар ҳисоботи далолатномасини қабул қилган пайтдан бошлаб

3 иш куни давомида текшириб, тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатда бажарилган тақдирда далолатномани имзолайди ва 3 иш куни давомида мазкур шартноманинг 5-бандида назарда тутилган миқдорда “Стажёр”га ҳақ тўлайди.

Бунда, ушбу тўлов “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномасига асосан ойда икки марта амалга оширилиши мумкин.

7. Томонларнинг ўзаро келишувига кўра мазкур шартнома шартларига киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма шаклда амалга оширилади.

8. Ушбу шартнома 20 йил дан бошлаб кучга киради ва 20 йил га қадар амал қиласди.

9. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига асосан ёки бир тарафнинг истаги асосида иккинчи тарафни камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Бунда шартнома бекор қилинган пайтдан бошлаб 5 иш кунида тарафлар ўртасида барча ҳисоб-китоблар амалга оширилади, мазкур шартнома Ижрочи томонидан ўз зиммасидаги вазифаларни бажармаганлиги туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

ДАВЛАТ ОРГАНИ

Манзили: _____
_____.

(вазир/хоким/бошлиқ/директор)

СТАЖЁР

Ф.И.О.
Паспорт маълумотлари:
Яшаш манзили:

НИНГ
“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” доирасида
давлат органида стажировка давомида бажарган ишлари юзасидан

ХИСОБОТ

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажарилган ишинг мазмуни
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		

Стажёр

Устоз-ментор

Стажировка раҳбари

Стажёрнинг намунавий-шахсий иш режаси

Т/р	Ишнинг номи	Стажировканинг ойлик режаси								Бажарилган лиги тўғрисида изоҳ
		1	2	3	4	5	6	7	8	
1.	Ташкилот обектининг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таниш.									
2.	Ташкилот таркибидаги биринчирилган комплекс ва тегишли бўлим/бошқарма фаолиятини ўрганиш, унинг тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан танишиш ва ишлаш.									
3.	Стажировка бўйича үслубий ва кўрсатма материаллар билан танишиш.									
4.	Фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириш.									
5.	Ташкилот томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ва тадбирларда иштирок этиш ва маълумот қилиб бориш.									
6.	Вазирлик марказий аппарати ва адлия органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини таҳлил этишни ўрганиш билан танишиш.									
7.	Статистик ва бошқа маълумотларни умумлаштириш асосида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишишда иштирок этиш.									
8.	Стажировка давомида тўпланган маълумотлар ва ўрганилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш ва стажировка раҳбарига тақдимот қилиш.									

СИЛОВА

Намунаий сертификат лойиҳаси



O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligida
"Yosh mutaxassislarni tanlash dasturi"ni
muvaffaqiyatli tamomladi

Alisher Sa'dullayev
O'zbekiston Respublikasi
Yoshlar ishlari agentligi direktori

Batir Zakirov
O'zbekiston Respublikasi
Qurilish vaziri